MILLIY QADRIYATLARGA TAYANGAN TARAQQIYOT

1995-yil 10-iyundan chiqa boshlagan

www.mtgazeta.uz
fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

milliy tiklanish

№4
(1333) 2026 йил
28 январь,
чоршанба
Адади –
4 000

5 «ЎЗБЕКИСТОН – 2030»
Мақсад ўша-ўша, фақат режалар ўзгарди

ДЕПУТАТ ва ватан ҳимоячилари 5

МАШАРИПОВ
ЖЧни ўтказиб юборийи мумкин

Ватан равнақи – илмдандур. Зеро, илм юксалган юртдагина фан ривожланади, илмий изланишлар, кашфиётлар, тадқиқотлар мамлакатни, миллатни дунёга танитади. Ал-Хоразмийнинг дунёга санашни ўргатгани, Ал-Фарғонийнинг нилометри, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Мирзо Улуғбекнинг 1018 та юлдуз ҳаракатлари жадвалини асослаб бергани, Эйнштейннинг нисбийлик, Ньютоннинг бутун оламни тортишиш кучи назариялари ёки Менделеев даврий жадвали илмнинг мўъжиза эканига далолатдир.

ГАРАФЛИ ИЛМ ФИДОЙИСИ

Ҳаёт йўллари

Устоз деганда Имом ат-Термизийнинг Имом Бухорийга, Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга, Баҳовуддин Нақшбандниг Саид Миркулолга, Жалолиддин Румийнинг Бурҳониддин Термизийга, Али Қушчининг Мирзо Улуғбекка кўрсатган беқиёс иззатлари кўз олдимизга келади.

Ҳикоят қилишларича, Хорун ар-Рашид бир куни сарой дарчасидан ўғиллари Маъмун, Амин ва Мўътасимнинг лўғатшунос олим ал-Кисоийга хизмат қилаётганини кўриб қолибди. Шу воқеадан кейин у киши давлат арбобларидан: «Катта подшоҳ кимлигини биласизми?», – деб сўрабди. Улар: «Сизсиз, эй амир ал-мўъминин!», дейишди. Ҳорун ар-Рашид маъқулламаганидан кейин улар халифалар, фарзандлар деб ҳам кўришди. Лекин Хорун ар-Рашидга уларнинг бу жавоби ҳам маъқул келмади. Давлат арбоблари: «Ўзингиз айта қолинг!», – деганларидан сўнг Хорун ар-Рашид: «Энг катта подшоҳлар муаллимлардир, Кисойни кўриб қолдим. Ўғилларим унга шу даражада хизмат қиляптиларки, бунга ўхшаш менинг бироита хизматкорим йўқ», – деган эканлар.

Иқтисодиёт фанлари доктори, академик Қаландар Абдураҳмонов ҳақида юртимиз иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшаётган юзлаб, минглаб шогирдлари фақат эзгу ниятларни изҳор этадилар. Сабаби, у киши иқтисодиёт назарияси илми пешқадами бўлиш баробарида меҳнат иқтисодиёти, инсон капитали, сунъий интеллект бўйича илмий мактаб шакллантирган олимдирлар. Айни пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошида ташкил этилган академик Қаландар Абдураҳмоновнинг «Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали» илмий мактабида бир қатор назарий ва амалий муаммолар ечими борасида илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳам таҳсинга сазовор. Моҳир ташкилотчи ва раҳбар сифатида узоқ йиллардан бери Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг филиали ректори лавозимида самарали фаолият олиб бораётганлари, энг асосийси, иқтисодиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшаётганлари учун Қаландар Абдураҳмоновни нафақат юртимизда, балки дунёнинг қатор ривожланган давлатлари, жумладан Германия, Индонезия, Малайзия, Россия, Ҳиндистон илмий иқтисодий доираларида ҳам бежиз тан олинмаётганини кўрсатади.

Дунёнинг кўрки, файзи илм одамлари, билимдон кишилар, улар элнинг дуосида кўкарадилар, дейди қадимгилар.

***

Устознинг Ўзбекистон моддий-маънавий бойликлари ҳақидаги бир анжуманда айтган гаплари ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглайди:

– Не-не даҳоларни камолга етказган, элга қўшган муаззам замин, тилидан шукрона тушмайдиган, сариштa ўлка жамолида кўзингизни қувонтираверади.

Ғузор, Нишон, Миришкор, Муборак, Косон тумани ҳудудлари углеводород қазилмалари газ ва нефтга, Қамаши, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз, Деҳқонобод тоғлари эса маъданларга ва фойдали норуда тоғ жинсларига, кўплаб ноёб кимёвий элементларга бой, Шаҳрисабз ва Китобнинг шаробоб, майизбоп узум навлари, ҳусайни узумлари, кўчкак анжирлари, чўлнинг асалдан ширин қовун-тарвузлари, тоғнинг қизил картошкасининг довруғи етти иқлимга кетган.Шу боис

> **ДУНЁНИНГ КЎРКИ, ФАЙЗИ ИЛМ ОДАМЛАРИ, БИЛИМДОН КИШИЛАР, УЛАР ЭЛНИНГ ДУОСИДА КЎКАРАДИЛАР, ДЕЙДИ ҚАДИМГИЛАР.**

меҳнатидан барака топган, мард ва оққўнгил инсонлар манзилоти бўлмиш бу воҳа Имом Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Евроосиёнинг йигирма етти давлатида адлу имон тамойилини ўрнатган, бошқарув ва ҳарбий бошқарув санъатининг асосчиси музаффар Соҳибқирон Амир Темурга бешик бўлган қутлуғ тупроқдир.

Қашқадарёнинг қай бир манзили, қай бир гўшасига борманг мана шундай қайноқ ҳаёт, ширин гурунглар сизга пешвоз чиқаверади. Насафий, Кеший каби буюк алломалар, муҳаддисларнинг музаффар Соҳибқирон Амир Темур қадамжолари, қўйингки, қадим воҳанинг улкан қурилиш майдонига айланаётганини дилингизни яйратади. Тарихий масканлар, маҳобатли иншоотларга боқиб тилингизга қайта-қайта «Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар қурдирган иморатларимизга боқсинлар» дейилган темурий ҳикмат келаверади, боз устига ўтмиш ва келажакнинг файзиёб уйғунлиги ҳам дарёдил қашқадарёликларнинг таърифлари бошқача, Қашқадарё асли бошқа дарё-да!».

Анча йиллар илгари машҳур итальян шоири Данте Алигъеринининг «Илоҳий комедия»сини ўзбекчалаштирган шоир Абдулла Орипов ва мақола қаҳрамони Қаландар Абдураҳмоновни Италияга, Данте юбилейига таклиф қилишади. Икки адабиёт ихлосманди бу юбилейдан катта таассуротлар билан юртга қайтишади, академик Абдураҳмонов бу таржималарнинг китоб шаклида ўқувчилар қўлига етишида катта жонбозлик кўрсатади.Бу холис кўмак ижодкорни ғоятда мутаассир қилади. Эл суйган шоирнинг «Италия дафтари» туркумига кирган шеърлари орасида мана шундай сатрлар бор:

Қаландар, мана бу денгизни қара,
Қайнаб ётган ҳис бу, илоҳий туғён.
Жазавага тушар бунда ҳар зарра-
Абдуҳошим гижжак чалганисимон.

Гоҳида жим қолар тиниқиб, тўлиб,
Ҳаёлга нималар келмас шу онда.
Денгизни чой тўла пиёла қилиб-
Елпиниб ўтирсанг Шоҳимардонда.

2008 йил. 8 сентябр. Рим.

***

Олим ва ёзувчи Қаландар Абдураҳмонов муаллифлигидаги Жанубий Кореяда ҳамда Германияда инглиз тилида чоп этилган «Ўзбекистон кеча, бугун ва келажакда» номли китоб хориж ўқувчиларига юртимиз ҳақида таъриф берган бўлса, «Оламни маҳлиё айлаган диёр», «Бибиойша» асарлари эл ва юрт қадри, аёл садоқати ва матонати ҳақида сўзлайди. «Ўзбекистон – дилбар Ватаним» асари Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, уч минг йиллик тарихга эга кўҳна Мовароуннаҳр юртининг саховати ҳақида сўзласа, «Буюклар каҳкашонида» китоби қаҳрамон шоир ижоди ва сухбатларининг соф, топилма мукоясаси саналади.

Олимнинг фарзандлари ҳам отамерос илмга, онамерос меҳрга ошуфта, элу юртнинг дуосини олиб хизмат қилаётган асл зиёлилардир. Уларнинг кўнглида ҳам нондек азиз Ватанга, онадек мўътабар заминга, табаррук илмга ўзгача ҳурмат бор, эътиқод бор.

Биз академик Қаландар Абдураҳмонов тимсолида бир ўзбек олимининг яратган илмий мактаби, илмий бўстони ҳақида озгина сўз юритдик.

Бу истеъдодли инсон яратган илм боғи, олимлар оиласи илму фанни, эзгуликни умр мазмунига айлантирган икки фидойи ИНСОНЛАР – Қаландар Абдураҳмонов ва Бибиойша Абдураҳмоноваларнинг шарафли ҳаёт йўллари зиёлилар учун ибратдир. Зеро, яхши инсонлар юртнинг, элнинг, Ўзбекистоннинг зийнатидир!

Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
фалсафа фанлари доктори,
профессор